Qishloq hayoti

2010 йил Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 9-NOYABR, SESHANBA, 129 (7746) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



Жалақудуқ туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасида мактабгача ёшдаги болаларни соғломлаштириш, уларнинг ақлий, маънавий ва жисмоний етук инсонлар бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Самарқанд вилоятида "Кредит-Стандарт банк"нинг кўмаги билан фаолияти ривожланаётган "SAMANTEP-GILAM" МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида бугунги кунда 500 та янги иш ўрни яратилди. Корхонада иш 3 сменада ташкил қилинган бўлиб, Италия, Бельгия, Германия технологияси билан жиҳозланган. Бу ерда ишчилар учун барча қулайликлар яратилган.



Тошкентда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати якунланди. Мазкур мусобақада Осиёнинг 16 та энг кучли терма жамоаси баҳс олиб бориб, унда кучли тўртликка киришга эришган (Австралия, Япония, Ўзбекистон, КХДР) жамоалар 2011 йил Мексикада бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди.

сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда

Сурхондарё Вилояти



"Сурхондарё дон маҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятида дон маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш ишлари режа асосида амалга оширилмоқда. Замонавий технологиялар асосида дон қайта ишланаётган корхонада ойига 200 тонна дон маҳсулотлари тайёрланади.

Суратда: *технолог Жамшид Ортиқов.* Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва бу борадаги комплекс дастурларни амалга ошириш жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодиёт ва жамиятимиз ижтимоий ҳаётини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди.

I. АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

2010 йилнинг тўққиз ойида иқтисодий ўсиш 8,3 фоизни ташкил қилди. Иқтисодиётнинг барча асосий тармоқлари юқори суръатда ривожланиши таъминланди: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, истеъмол товарлари 12 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,8 фоиз, қурилиш ишлари 9 фоиз, чакана савдо 12,2 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 10,3 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 4,2 фоизни ташкил қилди ва прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати самарасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 8,1 фоиз, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз ўсиши таъминланди.

Мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришга оид кўрилган чора-тадбирлар маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10,9 фоиз ошириш, ташқи савдо айланмаси ижобий сальдосини 3,6 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда таъминлаш имконини берди.

2010 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

II. БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга доир амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банклари жами капиталининг жорий йил бошига нисбатан 18,2 фоиз ўсишини таъминлади. Аҳолининг банклар ва кредит уюшмаларидаги депозитлари 41,9 фоиз ошди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдоридаги муддатли ва жамғарма омонатлари улуши 86,9 фоизни ташкил қилди.

Капиталлашув даражаси ва ресурс базасини янада ошириш банк тизимининг жами активларини жорий йил бошидан буён 28,1 фоиз ўсишини таъминлади, шунингдек, кредит қўйилмалари қолдиқларини 32,8 фоиз ошишига ёрдам берди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,4 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари пул айланмасини камайтириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик карточкалар 2009 йилнинг шу даврига қараганда 2,5 миллион донага кўпайди ва 7,5 миллионтага етди, ўрнатилган терминаллар эса 23,4 мингтага кўпайиб, 65 мингтани ташкил қилди. Натижада пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг январь-сентябрь ойларидагига нисбатан 2,5 баравар ошди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг айланма капиталини тўлдириш учун 275,5 миллиард сўм ҳажмида ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баравар кўп кредит маблағлари ажратилди.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги 2010 йилнинг 30 августидаги шарҳида Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш прогнозини "барқарор", деб баҳолади. Мазкур баҳо глобал иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз тижорат банкларининг барқарорлигини, уларнинг активлари сифати мустаҳкамлигини ва капиталлашув даражаси ошганини кўрсатади.

«Мудис» агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, Ўзбекистон ҳукумати тартибга солиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, бевосита молиявий қўйилмалар орқали молия соҳасини самарали бошқармоқда. Ҳукумат банклар капиталини кўпайтириш билан бир қаторда, улар орқали индустриал ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштирмоқда ва бу, ўз навбатида, банклар ликвидлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, жаҳон молия бозорларидаги жараёнлар Ўзбекистон банклари учун жиддий хавфни юзага келтира олмаслиги, ликвидликнинг асосий кўрсаткичлари келгусида ҳам ўзгармаслиги ва ҳар қандай кутилмаган сарф-харажатлар ликвид маблағлар ёки тартибга солувчи ҳокимият органларини қўллаб-қувватлаши ҳисобидан осон қопланиши мумкинлиги таъкидланган.

Қайд этиш жоизки, «Мудис» агентлигининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлиги ҳақидаги фикрини яна бир нуфузли халқаро рейтинг агентлиги – «Стандарт энд Пурс» ҳам маъқуллайди. Ушбу агентлик Ўзбекистон банкларининг халқаро молия бозорларига унчалик қаттиқ боғланмаганлиги ва уларнинг МДҲнинг бошқа йирик мамлакатларига қараганда ташқи қарзи камлиги Ўзбекистон банк тизимини глобал бозорлардаги салбий жараёнлардан ҳимоя қилганини қайд этди.

(Давоми 2-саҳифада)

(2009 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)	
Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,3
Саноат маҳсулотлари	108,3
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	112
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	107,8
Қурилиш ишлари	109
Чакана савдо айланмаси	112,2
Пуллик хизматлар	110,3

Кунниинг муҳим воқеалари

▶ Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да 5-7 ноябрь кунлари Озарбойжон Республикасининг Миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган кўргазмада мазкур мамлакатнинг деярли барча минтақаларидан ёқилғи-энергетика, транспорт, қурилиш, аҳборот технологиялари, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, маданият, сайёҳлик, экология каби соҳаларда фаолият юритувчи 170 га яқин компания ва корхона ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этди.

▶ **Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Барча шартлар бўйича ғолиб чиққан Зарафшон шаҳар маънавият тарғибот бўлими раҳбари Гулчеҳра Воҳидова танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

▶ Ўзбекистон Фанлар академиясида болалар ва ўсмирларга мўлжалланган илмий-техникавий, маънавий-маърифий, оммабоп "XXI аср технологиялари" журналининг тақдимот маросими ўтказилди. "XXI аср технологиялари" журнали фан ва технологияларни ривожлантириш йўлида мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган янгиликларни изчил ёритиш, навқирон авлодни янги технологияларнинг назарий ва амалий жараёнларига кенг жалб этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Жорий йилнинг 16-24 октябрь кунлари Аргентинанинг Креспо шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси кетма-кет иккинчи маротаба жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 3 ноябрда қабул қилинган фармонига биноан терма жамоамиз аъзоларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкентда жаҳон чемпионлари — футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг шарафлаш маросими бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш мақсадида ўғил-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ҳамда ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди.

Спорт жисмоний имкониятлари чекланган ва ногиронлар ўртасида ҳам кенг ривожланмоқда, улар ўзларини жамиятнинг фаол аъзоси эканини ҳис қилиши, уларда ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқни оширишга хизмат қилмоқда. Бунда юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан жисмоний имконияти чекланганлар ва ногиронлар ҳам ўзлари шуғулланаётган соҳалар бўйича самарали меҳнат қилиб, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этмоқда, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётир.

Аргентинада ўтказилган жаҳон чемпионатида ногирон футболчиларимиз халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини, ҳеч қачон ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини яна бир карра намоён этди. Ўзбекистонлик ногирон футболчилар биринчи босқичда уч карра жаҳон чемпиони Бразилия вакилларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, эронликлар билан дуранг ўйнади. Энг кучли саккиз терма жамоа қатнашган иккинчи босқичда Англия жамоасидан 6:1, Бразилия жамоасидан 4:2 ҳисобида устун келди, Россия вакилларига қарши учрашувда 3:3 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди. Ярим финалда Туркия футболчиларини 2:1 ҳисобида енгган ўзбекистонликлар ҳал қилувчи финал ўйинида мусобақа мезбони — Аргентина терма жамоасини 3:1 ҳисобида доғда қолдирди.

(Давоми 4-саҳифада)

БАНК КРЕДИТЛАРИ – ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИГА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, зарур ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатга биноан 2009 йилда қишлоқ жойлардаги 42 массивда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши бошланган 847 уй фойдаланишга топширилди. Жорий йилда 225 массивда барпо этилаётган 6800 ана шундай уй-жойда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда ва яқин кунларда хонадонлар соҳиблари уларга кўчиб ўтади.

Президентимизнинг 2010 йил 8 сентябрда қабул қилинган қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид қарори асосида 2011 йилда мамлакатимиз ҳудудларидаги 372 массивда «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан 7400 якка тартибдаги уй-жой барпо этилади. Шунингдек, ушбу массивларда ташқи муҳандислик ва транспорт- коммуникация тармоқлари, ижтимоий инфратузилма объектлари қурилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилган бу янги тизимнинг қулайликлари, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан намунавий лойиҳа асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш тартиб-қоидалари юзасидан «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Акбар ЭШОНҚУЛОВ билан суҳбатлашди.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида инсон манфаатларини таъминлаш, юртдошларимизга муносиб турмуш шароитларини, янги қулайликларни яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди А.Эшонқулов. — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида қисқа вақт ичида қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли база яратилди. Уни молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгиланди.

(Давоми 3-саҳифада)

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибидаги ҳамда шу йўналишдаги вазирлик ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоққўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзғўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази



Азиз юртдошлар!

"Qishloq hayoti" газетасига 2011 йил учун обуна бўлинг ҳамда йил давомида юртимиз ва дунё нафасига ҳамнафас яшанг.

"Qishloq hayoti"га 2011 йил учун обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиши йўли билан амалга оширилмоқда.

Наширимиз индекси: **144**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида «Стандарт энд Пурс» рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимизнинг тўртта тижорат банкининг кредит рейтинги тасдиқланди.

III. ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МАМЛАКАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ СИЁСАТИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида енгил саноат (118,4 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати (114,1 фоиз), кимё (113,7 фоиз) ва озиқ-овқат саноати (109,9 фоиз) юқори суръатда ривожланди. Электр энергетика соҳаси, қора ва рангли металлургия саноатининг барқарор ишлаши таъминланди.

2010 йилнинг ўтган даврида калий ўғити, бикарбонат натрий, калий нитрати, энергия тежовчи лампочкалар, «Spark» русумидаги енгил автомобиль, «CLAAS» тракторлари ва комбайнлари, турли доривор препаратлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида 990 лойиҳа бўйича қиймати 4,2 триллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштирилган 47 турдаги янги маҳсулот экспорт қилинди, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспортининг умумий ҳажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баравар ошди. Натижада республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши ўтган йилнинг шу давридаги 14,9 фоиз ўрнига 17,6 фоизни ташкил қилди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб қилинган самараси 2,7 миллиард долларни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 1,3 баравар ошди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналарга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида технологик ускуналар, хомашё ҳамда материаллар харид қилиш учун 775,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,3 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари 14,8 фоиз ўсди. Газламалар, трикотаж буюмлари, гилам ва гилам маҳсулотлари, галантерея ва хўжалик товарлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, ясси экранли телевизорлар, янги турдаги маиший кимё воситалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Экспортни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга чиқариш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг тўққиз ойида машина ва ускуналар (2 баравар), озиқ-овқат товарлари (1,9 баравар), қора ва рангли металлар (1,5 баравар), хизматлар (1,2 баравар) экспорти ҳажмининг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилган самарали чоралар жорий йил бошидан буён рўйхатга олинган кичик корхоналар сонининг 3,1 фоиз кўпайишига хизмат қилди. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2134,5 миллиард сўмни ташкил қилди ёки бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўпдир, жумладан, 418,2 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,6 баравар ошди.

Натижада 2010 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес-субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 48,5, саноатда 18,7, бандлик соҳасида 74,4 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 124,1 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини изчил амалга ошириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига қараганда 11,2 фоиз, шу жумладан, молиявий хизматлар 22,6, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 14,8, автомобиллар ва бошқа техниканы таъмирлаш хизматлари 27,8 фоиз ўсди. Натижада ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 48,6 фоизга етди. 1295 чакана савдо объекти, 296 умумий овқатланиш объекти ва маиший хизмат кўрсатиш бўйича 2,1 мингдан ортиқ объектнинг ишга туширилиши ҳисобидан шу йилнинг ўтган даврида қишлоқ жойларда 93,6 минг иш ўрни ташкил қилинди.

IV. ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ, ТЕХНИК МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажми 10,8 триллион сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий нархларда 8,1 фоиз ўсди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз кўпайди ва 1,8 миллиард долларни ташкил этди.

Умуман, мамлакатимиз бўйича жорий йил бошидан буён 867 ишлаб чиқариш объекти, жумладан, озиқ-овқат саноатида 293, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 237, енгил саноатда 126, ёғочни қайта ишлаш саноатида 39 ва машинасозликда 10 объект фойдаланишга топширилди.

Техник модернизация қилиш дастури доирасида 156 йирик инвестиция лойиҳаси, жумладан, 50 мингта «Spark» М300 енгил автомобили ишлаб чиқариш, Евро-4 стандартига жавоб берадиган «Нексия» ва «Матиз» автомобиллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, капсуланган автомобиль ойналарини, Деҳқонобод калий ўғитлари заводида 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқариш, "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятида фосфорит хомашёси қўшилган аммиак селитрасини гранулалаштириш жараёнини жорий этиш, янги турдаги замонавий электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида асфальт заводи ва замонавий қурилиш-йўл ускуналари, Наманган вилоятида ип-газлама полотноси ишлаб чиқариш, Қашқадарё вилоятида табиий чармни қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилди, 9 пахта тозалаш заводи модернизация ва реконструкция қилинди.

2010 йилнинг тўққиз ойида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича 305,5 миллиард сўмлик ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўп ҳажмда ишлар бажарилди.

191 километрлик халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида 41 инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объекти, жумладан, тиббий ва авария ёрдами кўрсатиш, автомобиль техникасини таъмирлаш, санитария ва гигиена пунктлари, кемпинглар, мотеллар, меҳмонхоналар ва кўп тармоқли ёқилғи қуйиш станциялари қурилиши якунланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 2009-2013 йилларга мўлжалланган темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш комплекс дастурлари лойиҳалари бўйича 232 миллион доллар эквивалентидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

"Навоий" халқаро аэропорти орқали 5 янги йўналиш бўйича Европа ва Осиёнинг йирик логистика марказларига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг А-300 самолётларида юк ташиш бўйича мунтазам халқаро авиақатновлар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида "Навоий" халқаро аэропорти орқали 18,5 минг тонна юк ташилди ва юк ташиш бўйича 674 рейс амалга оширилди ҳамда ўтган йилнинг шу даврига қараганда 3 баравар ортди. Ангрен шаҳрида янги ташкил қилинган Логистика маркази орқали шу йилнинг тўққиз ойида 3,1 миллион тоннадан ортиқ юк ташилди.

Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизим (АСКУЭ)ни жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмолчиларга электр энергиясини ҳисобга оладиган 400 мингта замонавий маиший прибор ўрнатилди. Қўқон ва Андижон шаҳарларида абонентларга карточка орқали олдиндан ҳақ тўлаш тизимига эга электр энергиясини ҳисобга оладиган маиший приборларни ўрнатиш бўйича тажриба лойиҳалари жорий қилинди, 380 хўжалик субъектида электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимнинг локал тармоғи ишга туширилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 107 мелиорация объектида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 401,2 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 109,5 километрлик ёпиқ дренаж тармоқлари, 4 мелиорация насос станцияси, 144 мелиорация ва 200 кузатув қудуқлари, битта гидротехник иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. Узунлиги 11,3 минг километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоғи тозаланди ва бу 240 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берди.

V. ҚИШЛОКДА УЙ-ЖОЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚУРИШ ДАСТУРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қуриш доирасида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида 3597 уй-жой фойдаланишга топширилди, қиймати 366,5 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Ўтган даврда замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, жумладан, том ёпиш материаллари, гипсокартон буюмлари, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғиладиган конструкциялар ишлаб чиқарадиган 198 янги корхона, шунингдек, йилига 232 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 42 ғишт заводи ишга туширилди.

Аҳолининг уй-жой қуришга жалб қилинган маблағлари 1,7 баравар ошди.

Умуман, мамлакатимизда 7150,1 минг квадрат метр уй-жой, жумладан, қишлоқ жойларда 5079,1 минг квадрат метр турар-жой, шунингдек, 1965,8 километрлик, қишлоқ жойларда 1298,1 километрлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

VI. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Аҳолини асосий озиқ-овқат турлари билан барқарор таъминлаш мақсадида шу йилнинг тўққиз ойида 288,5 гектар майдонда муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланган ҳолда енгил конструкцияли 645 иссиқхона, шунингдек, замонавий мини-технологиялар билан жиҳозланган 135 қайта ишлаш, жумладан, мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган 29, гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган 41 ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 65 корхона қурилди.

2010 йилнинг тўққиз ойида чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида кимошди савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига 21 минг бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оилаларга 8055 бош қорамол бепул берилди. 131 зооветеринария ва сигирларни сунъий урчитиш бўйича 128 шохобча ташкил қилинди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 34,7 миллиард сўм ажратилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8893,4 минг бошга етди ва 2009 йилнинг шу даврига қараганда 6,9 фоиз, паррандалар сони эса 18,2 фоиз ўсди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг ошиши натижасида ўтган йилнинг шу даврига қараганда сабзавотлар етиштириш ҳажми 7,8 фоиз, картошка етиштириш 10,3 фоиз, полиз экинлари етиштириш 11,6 фоиз, мевалар етиштириш 10,8 фоиз, узум етиштириш 9,1 фоиз, гўшт етиштириш 6,8 фоиз, сут етиштириш 6,7 фоиз ва тухум етиштириш 13,2 фоиз кўпайди. 418,1 минг тонна мева-сабзавот, жумладан, 204,4 минг тонна сабзавот, 62,3 минг тонна полиз экинлари, 90,5 минг тонна мева ва 61 минг тонна узум экспорт қилинди.

VII. АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича 784,9 минг янги иш ўрни яратилди. Унинг 502,4 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми – 503 мингтаси (64,1 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, 253 мингтаси (32,2 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони кичик бизнесда бандлик даражасининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолиниши белгиланган.

Касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан 186,8 минг, жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 63,1 минг, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 123,7 минг иш ўрни яратилди.

Меҳнат бозорида амалга оширилган фаол чора-тадбирлар самарасида иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони қўшимча 2,7 фоизга ошди ва 11,6 миллион нафардан ортиқ кишини ташкил қилди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши асосан қурилиш (106,5 фоиз), уй-жой коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (105,4 фоиз), транспорт ва алоқа (104,8 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (104,8 фоиз) соҳаларида кузатилмоқда.

2010 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўртача иш ҳақининг барқарор ўсиши сақланди ва ҳисобот даврининг охирги ойида ушбу кўрсаткич 553,8 минг сўмни ташкил қилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 32,1 фоиз кўпдир.

Ўтган давр мобайнида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол ривожланиши учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир изчил ишлар амалга оширилди. Бу борада кўрилган чоралар натижасида таълим муассасаларининг 453,4 минг нафар битирувчиси ва ёшлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди.

Ёшларнинг ижтимоий аҳволини мустаҳкамлаш борасида ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 90 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди, 2320 кам таъминланган оилага тўй ҳамда оилавий тантаналарни ўтказишда ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган "ўзбек модели" ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши 2010 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

Ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида муҳим ва истиқболли йўналишларни амалга ошириш яқин йилларда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Андижон Вилояти



«УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК БОЛАСИ»

Жалақудуқ туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасида мактабгача ёшдаги болаларни соғломлаштириш, уларнинг ақлий, маънавий ва жисмоний етук инсонлар бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

140 нафар болага мўлжалланган муассасада 10 гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Боғча тарбияланувчилари «Учинчи минг йиллик боласи» дастури асосида таълим-тарбия олмоқда. Болаларнинг хорижий тилларга қизиқишини ошириш, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Боғчада хорижий тиллар, моҳир қўллар, тасвирий санъат, ашула ва рақс, бадиий гимнастика, шарқ якка кураш тўгараклари ишлаб турибди.

Суратда: *бадиий гимнастика мураббияси Гулноза Раҳимова машғулот пайтида.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Сирдарё Вилояти

Қишлоқ ва шаҳарларимизда янги мактаб ва коллеж бинолари қурилиб, ишга туширилаётгани ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар нечоғли самара бераётганидан яна бир далолатдир. Шу маънода ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ишлар замирида истиқлол бизнинг қарашларимиз, онгу шууримизда ҳам катта ўзгаришлар ясагани ойдинлашади.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

1997 йилда "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинган соҳада катта бурилиш ясади. 2004 йилда эса "Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури"нинг қабул қилиниши унинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу дастур доирасида умумтаълим мактаблари қурилди, реконструкция қилинди, мукаммал ва жорий таъмирланди. Республикамизда ахборот-ресурс марказлари сони кўпайиб, улар фаолияти янги босқичга кўтарилди. Ана шундай ислоҳотлар натижаси ўлароқ вилоятимиздаги 303 та умумтаълим мактабларидан 272 таси капитал реконструкция қилиниб, жорий таъмирдан чиқарилди. Таълим муассасалари замонавий компьютер техникалари, ўқув-лабораторияси жиҳозлари ва спорт анжомлари билан таъминланди. Бу мактабларда таълим самарадорлиги ортиб, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш имконини яратмоқда. Шунингдек, бугунги кунда 248 та мактаб "ZiyoNET" ахборот тармоғига уланган. Мактаб ўқувчилари 4 тилда — 266 номдаги дарсликлар билан юз фоиз таъминланган. Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимида 25 та ахборот-ресурс маркази ишлаб турибди. Жорий йилда Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида 34 та мактаб 884000 АҚШ доллари қийматидаги мебель ва компьютер жиҳозлари билан таъминланди. Жаҳон банкининг "Мактаб таълимини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Ховос туманидаги 28 та умумтаълим мактабига 147000 АҚШ доллари миқдорида ўқув-методик қуроллари етказиб берилди.

Спортнинг бадиий гимнастика турини ривожлантириш ва қизларни оммавий спортга жалб этиш мақсадида 23 та таълим муассасасида бадиий гимнастика хоналари ташкил этилди. Қатор ўқитувчи ва ўқувчиларимизнинг республика танловларида муваффақиятли иштирок этаётгани, бевосита соҳада олиб борилаётган ишларнинг маҳсулидир.

Вилоят ҳокимлиги томонидан устоз ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш мақсадида мактаб ўқитувчилари ўртасида "Энг маҳоратли устоз" танловини ўтказиш йўлга қўйилди ва жорий йилда танловда 116 нафар мураббий фаол иштирок этди. Шунингдек, ҳокимликнинг 2010 йил 14 апрелдаги фармойишига биноан ўқитувчилар ўртасида "Вилоятнинг энг фаол фан ўқитувчиси" ва "Вилоятнинг энг фаол синф раҳбари" танловлари ўтказилди. Унда 600 нафардан ортиқ ўқитувчи ҳамда синф раҳбарлари иштирок этди. Вилоят методика маркази томонидан туман ва шаҳар халқ таълими методика кабинетларининг ўзаро электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйилган. Вилоят методика маркази директори К.Ҳайитбоевнинг "Умумтаълим мактабларида ўқув жараёнларини лойиҳалаштириш" ва "Таълим жараёнларида замонавий дарс ишланмалари" мавзуларидаги ҳамда Боёвут туманидаги 18-умумтаълим мактабининг "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани ўқитувчиси У.Сувонқуловнинг методик тавсиялари "ZiyoNET" жамоат ахборот-таълим порталига жойлаштирилди.

Янги ўқув йилидан эътиборан умумтаълим мактаблари ўқувчилари билимларини назорат қилишнинг такомиллаштирилган рейтинг тизими амалиётга татбиқ этилди. Мазкур "5" баҳолик тизимда энди "1" баҳо ҳам жорий этилиб, ўқувчиларнинг камситилишига барҳам берилади.

Яна бир қувонарли жиҳати, янги ўқув йилида Гулистон шаҳри ва Сардоба туманларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, ишга туширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан Янгиер шаҳрида очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаларини ўз ичига олган сув спорти маркази фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда, озод ва обод Ватанимизда таълим тизимидаги ўзгариш ва ислоҳотлар ёш авлод камолоти, комил инсонлар тарбиясига йўналтирилмоқда.

Носиржон ЭГАМБЕРДИЕВ, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи

Бухоро Вилояти

Қоракўлчилик

ЧОРВАДОР УЧУН СИНОВ ПАЛЛАСИ

Бунга ҳам оз қолди, дейишмоқда бухоролик соҳа билимдонлари

Бухоро вилояти "Қоракўл" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ширкат хўжаликларининг чўпон-чўлиқлари қиш-қировли кунларни чиқимга йўл қўймасдан, беталафот ўтказиш мақсадида астойдил тер тўкишмоқда. Бунинг учун етарли даражада асос яратилди. Барча қўра-қўтонлар, чўпон уйлари таъмирланиб, яна бир карра кўздан кечирилди. Етарли миқдорда дағал хашак жамғарилди. Тез кунларда қўйчивонларга зарур бўлган иссиқ кийим-кечаклар тарқатилади. Мақсад битта — у ҳам бўлса минтақанинг барча ҳудудларида сурув ортидан юрган чорвадорларни ҳеч нарсага муҳтож қилмасликдир. Бу муҳим масала вилоят ҳокимлиги ҳамда бирлашма раҳбариятининг доимий эътиборида.

Шофиркон туманидаги Мурodилла Ҳакимов раҳбарлик қилаётган "Галаба" қоракўлчилик ширкат хўжалиги наслчиликка ихтисослаштирилди. Бу хушхабар раҳбарлардан тортиб оддий чўпон-чўлиқларгача ҳаммани бирдай қувонтирди. Эндиликда ширкатнинг 32 та отарида қўй боқаётган 64 та чўпон-чўлиқ зиммасидаги вазифа, масъулият тобора ортадиган бўлди. Сабаби, бир томони Навоий вилоятининг Конимех, иккинчи томони пешкулик чорвадорларнинг манзилларига туташиб кетган яйловларда қўй боқиш осон иш эмас. Бу ҳар бир кишидан ирода ва билим талаб этади. Мазкур вазифани ширкатнинг Мирзақум, Оғитма, Чуруқ, Қинғир деб номланган олис яйловларида сурув ортидан юриб, эл-юрт маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, тажрибали бош чўпонлар Рустам Раҳмонов, Яхшимурод Эсонов, Янгибой Қўзиевлар қойилмақом қилиб уддалашмоқда. Уларнинг ота-боболари ҳам донг таратган чорвадорлар бўлишган.

— Мактабни тугатган йилим отам Қувондиқ Қўзиевдан чўпонлик таёғини қабул қилиб олдим, — дейди ширкат бош чўпони Янгибой Қўзиев. — "Қўйнинг туёғидек чидамли бўлсанг, барака топасан", деган жўяли гапни такрорлашни хуш кўрарди падарим. Отам ўгитларига амал қилиб кам бўлмадим. Болачақаси бўлдим. Кўрам тўла молхол. Хозир мен қўй боқаётган Чуриқ оғритма яйловлари ширкат марказидан 120 чақирим олисда. Шундай бўлишига қарамай ҳеч нарсага зориққаним йўқ. Барча нарсани ширкат муҳайё қилиб берган. Овулимизда тўй-тантаналар янгича тарзда ўтказилмоқда.

Эркин Ҳикматов хўжалик бош чорвашуноси. Самимий, бир сўзли инсон. Қачон қараманг, чорвадорлар ташвиши ва қувончи билан елиб-югуриб юрган бўлади.

— Халқимизда "Моли семизнинг кўнгли тўқ", деб топиб айтилган гап бор. Чиндан ҳам шундай. Бу нақлга амал қилган ширкатимиз чорвадорлари қиш-қировли кунлар учун 2585 тонна дағал хашак жамғаришди. Шунинг 776 тоннасини сомон ташкил қилади. Бундан ташқари, 36 та чўпон уйлари, 42 та очиқ, 38 та ёпиқ қўралар сифатли қилиб таъмирлаб берилди, — дейди Эркин Ҳикматов. — Шу сабаб, қишловни беталафот ўтказа оламиз, деб бемалол айта оламан. Ширкатимизнинг бепоён яйловларида 22 минг 316 бош қўй-қўзи, 117 бош туя боқилмоқда. Шунинг 12 минг 558 боши совлиқлар ҳисобига тўғри келади. Бу йил баҳордаги қўзилар ҳисобидан 6 та янги отар ташкил қилинди, ўнлаб одамлар иш билан таъминланди. 305 бош зотли қўчқор парвариш қилинмоқда. Улар қаторига янги қўчқорлар қўшиш ниятидамиз.

Бир учи Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги "Ўзбекистон", Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманидаги "Қоровулбозор" ширкатлари билан, иккинчи томондан эса Туркманистон Республикаси билан чегарадош Олот туманидаги "Олот" ширкат хўжалиги қоракўлчиликка ихтисослаштирилган. 103 минг гектарлик майдонни ишғол этган яйловларнинг асосий қисми қумли барханлардан иборат. Бу ерларда шувоқ, янтоқ, саксовул, қуёнсуяк, изень сингари ноёб ўсимликлар кўплаб учрайди. Хўжаликнинг 36 та отарида сурув ортидан юрган чўпон-чўлиқларнинг бардошини, матонатини синайдиган йиллар кўп бўлиб туради. Аммо шунга қарамасдан чорвадорлар бўш келишаётгани йўқ. Буни эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги рақамлар ҳам исботлайди. Бугунги кунда ширкат яйловларида 20131 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Шунинг 13200 бошини эрта кўкламда қўзилаши кутилаётган совлиқлар ташкил қилади. Қўзиларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдириш режалаштирилган. Қоракўл тери ишлаб чиқариш, жун тайёрлаш борасидаги режалар ҳам ҳар йили ошириб уддаланмоқда. 13 та қудуқ, 38 та қўра-қўтонлар яна бир карра кўздан кечирилди. 2850 тонна дағал хашак қишлов учун тайёр.

— Ҳаётимни яйлов тўла қўй-қўзисиз, кенгликларсиз тасаввур қила олмайман, — дейди ширкат хўжалиги бош чўпони Меҳмон Бобокулов. — 20 йилдан буён шу касб орқасидан ризқ-насибани топиб ейман. Ҳозир ихтиёримда 485 бош қўй-қўзи бор. Жониворларнинг эти яхши. Мен билан бир сафда қўй боқаётган қўшниларим Ихтиёр Ҳазратов, Салом Нуров, Бешим Чўлиев сингари бош чўпонларнинг эришаётган ютуқлари ҳам чакки эмас.

Бош ҳисобчи Дурмамат Пириевнинг алоҳида эътироф этишича, сўнгги вақтларда пудрат аъзоларининг иш юритишлари учун бир қатор қулайликлар яратиб берилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида Нутфулла Қурбонов, Ориф Саъдуллаев сингари бош чўпонлар натура ҳолида қўплаб қўзи олишга эришишди.

— Ширкат хўжалигимиз ҳудудида истиқомат қилиб келаётган 107 та хонадондаги оилаларнинг барчасида қорамол, қўй-эчки боқилади. Уларнинг ота-боболари ҳам тирикчиликни шунинг орқасидан ўтказишган. Мактаб, болалар боғчаси аҳоли хизматида, — дейди Олот туманидаги "Олот" қоракўлчилик ширкат хўжалиги бош чорвашуноси Карим Хўжаниёзов. — Айни пайтда асосий эътибор 36 та отардаги қўй-қўзиларни қишловдан беталафот олиб чиқишга қаратилган.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

БАНК КРЕДИТЛАРИ – ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИГА



(Боши 1-саҳифада)

Келгуси йилда барпо этилиши режалаштирилган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти томонидан ишланган 3, 4 ва 5 хонали уй-жойлар лойиҳаси асосида амалга оширилади. Мазкур намунавий лойиҳалар асосида барпо этиладиган уй-жойлар «Қишлоқ қурилиш банк»нинг имтиёзли кредит маблағлари ва якка тартибда уй-жой қурувчиларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Фуқаролар таклиф этилаётган 3 лойиҳадан ўзларига маъқулини танлайдилар. Шундан сўнг «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси билан «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида тузилган шартномага мувофиқ қурилиш ишлари комплекс ташкил этилади.

— «Қишлоқ қурилиш банк» кредитни қандай шартлар асосида ажратади?

— Банкимиз томонидан имтиёзли ипотека кредитлари шартнома асосида ҳамда мақсадли, таъминланиш, қайтариш, тўлаш ва муддатлилик шартлари билан қуйидаги талабларга жавоб берувчи қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)га берилади:

- қишлоқ жойларда доимий яшайдиган доимий иш жойига эга бўлган, ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;
- охирги ўн икки ой мобайнида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган доимий даромадга эга бўлган ҳамда ипотека кредити бўйича ҳисобланган фоиз ва асосий қарзни тўлаш учун етарли даромад манбаига эга бўлган шахсларга;
- танланган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал учун маблағга эга бўлган шахсларга;
- кредит ташкилотларидан кредитлар бўйича тўлов муддати ўтган қарзи бўлмаган шахсларга берилади.

— Кимлар биргаликда қарз олувчи бўлиши мумкин?

— Қарз олувчининг ипотека кредити ва кредит бўйича фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек, ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган (эри, хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари) биргаликда қарз олувчи бўлиши мумкин.

— Кредит қанча муддатга ва қанча миқдорда берилади?

— Ипотека кредитлари олти ойдан иборат имтиёзли давр билан 15 йилгача муддатга, амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда йилига 7 фоиз устама тўлаш шарти билан ажратилади.

Бунда кредит олувчи ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаш учун ўз маблағларига эга бўлиши лозим.

— Ипотека кредитини расмийлаштириш тартиби ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

— Ипотека кредити олиш учун мижоз «Қишлоқ қурилиш банк»нинг ўз яшаш жойидаги туман (шаҳар) филиали ёки минибанкига мурожаат қилиши мумкин ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- кредит олишга буюртманома;
- қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) паспортининг нусхаси;
- яшаш жойидан оила таркиби тўғрисидаги маълумотнома;
- қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- танланган лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорида пул маблағлари жамғарилганлиги тўғрисида маълумотнома;
- «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси билан буюртмачи вазифасини бажариш учун тузилган дастлабки шартнома.

— Қандай ҳужжатлар қарз олувчининг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади?

— Доимий иш жойига эга бўлганлар учун ходимнинг охирги ўн икки ой мобайнидаги даромадлари тўғрисида қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) ва оила аъзолари ишлайдиган корхона (муассаса) томонидан белгиланган шаклда берилган маълумотнома ана шундай ҳужжат ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат Халқ банки филиалида очилган якка тартибдаги жамғарма пенсия ҳисобрақамидан кўчирма (агар жамғарма пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этса) — зарурият бўйича банк талабига кўра тақдим этилади.

Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар манбаига эга бўлган фуқаролар эса ўзларининг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган охирги ўн икки ой мобайнидаги даромадлар тўғрисидаги декларациялар нусхаларини тақдим этадилар.

Деҳқон/фермер хўжаликлари бошлиқлари ҳисобланадиган ёки юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар охирги ўн икки ой мобайнидаги даромадлари тўғрисидаги декларациялардан ташқари, агар улар амалга оширадиган фаолият турлари қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва лицензиянинг нусхаларини ҳам тақдим этадилар.

— Намунавий лойиҳалар асосида барпо этиладиган уй-жойлар қурилиши қай тартибда молиялаштирилади?

— Қурилишни молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобидан уч босқичда амалга оширилади:

Бошланғич бадал — қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) номига «Қишлоқ қурилиш банк»да очилган узоқ муддатли жамғариб борадиган омонат ҳисобрақамига қўйилган пул маблағлари шаклидаги танланган уй-жой қийматининг камида 25 фоизи миқдоридаги пул маблағлари.

Бошланғич бадал маблағлари қарз олувчи ва биргаликдаги қарз олувчиларнинг банклардаги омонат маблағлари, шахсий пластик карточкаларидаги маблағлари ёки унинг иш берувчисининг қарз ёки ҳомийлик маблағлари ҳисобидан шакллантирилиши мумкин. Ушбу маблағлар қарз олувчи номига очилган "Қурилишга сармоя" омонат ҳисобрақамида жамғариб борилади ҳамда қурилиш ишлари бошлангач, маблағ эгасининг аризасига асосан "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси ҳисобрақамига ўтказиб берилади.

Имтиёзли ипотека кредити — ҳар бир қарз олувчига энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда ажратиладиган имтиёзли ипотека кредити маблағлари.

Якуний ҳисоб-китоб маблағлари — уй-жой нархининг бошланғич бадал ва кредит ҳисобидан қопланмаган қисми.

Мазкур маблағлар қурилиш ишлари бошланганидан то якунлангунга қадар мижоз томонидан босқичма-босқич шакллантириб борилиши лозим. Якуний ҳисоб-китоб маблағлари қарз олувчи ва биргаликдаги қарз олувчиларнинг банклардаги омонат маблағлари, шахсий пластик карточкаларидаги маблағлари ёки унинг иш берувчисининг қарз ёки ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ҳам шакллантирилиши мумкин.

— Кредитнинг фоизини ва асосий суммасини тўлаш тартиби қандай?

— Кредитга фоизлар кредит ажратилган санадан бошлаб кунлик ҳисоблаб борилади ва ҳар ойда мижоз томонидан тўлаб борилиши керак, бироқ кредит бўйича асосий қарз суммасини тўлаш бўйича олти ойлик имтиёзли давр белгиланади. Бунда кредит ва унга ҳисобланган фоиз маблағларни қуйидаги манбалардан тўлаш мумкин:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича олинадиган бошқа даромадлар ҳисобига нақдсиз шакллдаги пул маблағларини ўтказиш йўли билан;
- қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг банкдаги омонатлари бўйича ҳисобрақамларидан нақдсиз шаклдаги пул маблағларини ўтказиш йўли билан;
- банк пластик карточкаларидан пул маблағларини нақдсиз тўлаш йўли билан;
- нақдсиз шаклдаги пул маблағларини қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг иш берувчиси томонидан моддий ёрдам маблағлари ва ипотека кредитини тўлаш учун ажратилган бошқа маблағлар ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан;
- фермер хўжаликларининг йил якунига кўра шахсий тасарруфига ўтадиган даромадлари ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан, агар у қарз олувчи ёки биргаликда қарз олувчилар деб ҳисобланган тақдирда;
- нақд пул топширган ҳолда;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади.

— Кредитни муддатидан олдин қайтариш мумкинми?

— Қарз олувчи ёки биргаликда қарз олувчилар банкдан олинган ипотека кредити бўйича қарздорликни муддатидан олдин қайтариши мумкин бўлиб, улар томонидан кредит маблағлари муддатидан олдин қайтарилганлиги учун қўшимча комиссион тўловлар ундирилмайди.

— «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган инжиниринг компаниясининг уй-жой қурилишидаги иштироки ҳақида сўзлаб берсангиз.

— «Қишлоқ қурилиш банк»нинг «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси якка тартибда уй-жой қурувчи билан «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида, тасдиқланган намунавий лойиҳа бўйича уй-жой қуриш бўйича ишларнинг бутун комплексини ташкил этади.

Бунда дастлабки бадални жамғарган якка тартибдаги уй-жой қурувчи билан инжиниринг компанияси томонидан уй-жой қуришга буюртмачи функцияси амалга оширилиши учун буюртма берилади ва дастлабки шартнома тузилади.

Банк томонидан ипотека кредити берилиши юзасидан қарор қабул қилингандан кейин якка тартибдаги уй-жой қурувчи билан асосий шартнома имзоланади.

Ўз навбатида, компания барча буюртмаларни умумлаштирган ҳолда пудрат ташкилотлари ўртасида танлов шартларини эълон қилади ва ғолиб деб топилган пудрат ташкилоти қурилиш ишларини олиб боради.

— Уй-жой қурилиши жараёни қандай назорат қилинади?

— Мижоз қурилишнинг бутун даври мобайнида қурилиш жараёнига халақит бермаган ҳолда қурилишнинг боришини кузатиб бориш ҳамда зарурат бўлганида намунавий лойиҳа доирасида ёзма шаклда таклифлар киритиш ва инжиниринг компанияси ва пудратчига эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари, уй-жой қурилишида лойиҳага амал қилинишини намунавий лойиҳани тайёрлаган ва муаллиф назоратини амалга оширган лойиҳа ташкилоти кузатиб боради.

Якка тартибда уй-жой қурилиши ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишининг назорати бевосита «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан бажарилади.

Қурилиш тугаллангандан ва уй-жой қабул қилиб олингандан кейин туман ҳокими ушбу уй-жойга унинг эгаси умрбод эгалик қилиши ҳақида қарор қабул қилади. Мазкур қарор асосида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан уй-жой рўйхатга олиниб, кўчмас мулк объектига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилади. Уй-жой турли хавф-хатарлардан кредит муддати даврига суғурта қилиниб, нотариал тартибда, ажратилган кредит маблағларига гаров сифатида расмийлаштирилади.

— Ипотека кредитидан фойдаланувчилар учун қандай имтиёзлар кўзда тутилган?

- Қурилиш якунланганидан кейин ва якка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича турар-жой биноси қабул қилинганидан сўнг якка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади;
- «Қишлоқ қурилиш банк»дан якка тартибда уй-жой қуриш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган сумма даромад солиғи тўланишидан озод қилинади, мазкур имтиёз биргаликда қарз олувчига ҳам татбиқ этилади;
- хўжалик субъекти — иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағлар даромад солиғи тўлашдан озод қилинади;
- бундан ташқари, хўжалик субъектлари ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадалларини тўлашга ёки уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлари суммаси даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, камайтириши мумкин.

Шунингдек, уй-жой сотиб олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб беш йил ичида сотилса, жисмоний шахснинг даромадлари белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун аҳолига яратилган бундай имтиёз ва қулайликлар халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашга, қишлоқларимизнинг замонавий қиёфа касб этишига хизмат қилади.

ЎзА мухбири
Олим ТЎРАҚУЛОВ
суҳбатлашди.



"Кредит-Стандарт банк" кўмаги билан янада ошмоқда

Юртимизда ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, техник ва технологик янгилашга қаратилган эътибор ўз натижасини бермоқда. Инвестиция киритилиши натижасида ташкил этилаётган корхоналар маҳсулотлари кўпайиши, янги иш ўринлари ташкил этиш имконини бермоқда.

Бу жараёнда банклар фаол иштирок этаётир. Биргина мисол: Самарқанд вилоятида "Кредит-Стандарт банк"нинг кўмаги билан фаолияти ривожланаётган "SAMANTEP-GILAM" МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида бугунги кунда 500 та янги иш ўрни яратилди. Корхонада иш 3 сменада ташкил қилинган бўлиб, Италия, Бельгия, Германия технологияси билан жиҳозланган. Бу ерда ишчилар учун барча қулайликлар яратилган.

— Бугунги бозор — рақобатбардошликни, сифатни ва харидоргирликни талаб қилади, — дейди қўшма корхона директори Ҳамза Аминов. — Айнан ана шу сифатларга эътибор берган ҳолда иш олиб бораётган жамоамиз турли шакл ва ҳажмдаги, турлича дизайндаги гиламларини бозорга олиб чиқмоқда-ки, маҳсулотларимиз Европа мамлакатларигача етиб боряпти.

Айни вақтда мижозлар талабига кўра "Kashmir", "Troya", "Xukmdor", "Imperator", "Imperiyal", "Fortuna", "Fauna" каби номлар билан аталмиш гилам турларини кенг миқёсда ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз.

Миллий ва Европа услубида гиламлар ишлаб чиқарилаётган қўшма корхонада бугунга келиб ип цехи, тикув цехи, елимлаш цехи, тайёр махсулотлар цехи, дизайнерлар иш хонаси ва



бошқа бўлимлар мавжуд бўлиб, корхона режасига кўра яқин йилларда қўшимча яна 100 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилгандир.

Бу эса ўз ўрнида қўшма корхонанинг янада кенгайиши, маҳсулот ҳажмининг ортиши ҳамда харидорлар сони ҳам бир неча маротаба кўпайиши деган маънони англатади.

2002 йили иш бошлаган қўшма корхона ҳозирда бир кечакундузда 10-12 минг метр квадрат миқдорида гиламлар ишлаб чиқараётган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини кундан-кунга орттира бориши қувонарлидир.

"Кредит-Стандарт банк"и "SAMANTEP-GILAM" МЧЖ қўшма корхонасининг лизинг буюртмасига асосан янги технологиялар харид қилган бўлиб, бу янги технологиялар учун чет эл валютасида берилган (АҚШ долларида) кредитларнинг умумий суммаси 1 594 227 852 сўмни ташкил қилиши банкларнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашларига ўз ҳиссаларини қўшаётганликларидан далилдир. Шунингдек, чет эл валютасида берилган кредитлар ҳам айни муддао бўлди.

Бу имтиёзли кредитларни қўшма корхона Самарқанд гиламлари бозорини нафақат Осиё, балки Европа бозорларига ҳам чиқариш учун сарфламоқда.

Самарқанд гиламлари ҳам Хива ва Туркман гиламлари каби дунё гиламдўзлик бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнини ярата олади. Жаҳонга қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандниинг довруғини таратади.

Норқул МАЪМИРОВ

Бухоро Вилояти

ҚАЛАЙЧОРБОҒДАН РАҚОБАТБАРДОШ ГАЗЛАМАЛАР

Ромитаннинг ушбу қишлоғида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар четга экспорт қилинмоқда

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати эндигина қулоч ёзаётган мустақилликнинг илк йилларидаёқ Ромитан туманидаги хўжаликлар ёппасига фермер хўжаликларига айлантирилган эди. Эски қолипларда ишлашга одатланиб қолган айрим кишилар фермерлик ҳаракатининг истиқболига ишонқирамай қараган ҳам эдилар, ўшанда. Ҳа, мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, фермерларга қулай шарт-шароитлар яратиш, турли имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама — ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эса ўзининг ширин меваларини берди.

Фермерлар қишлоқ хўжалигининг локомотивига — деҳқончиликнинг ҳал қилувчи бўғинига айланди. Биринчилардан бўлиб фермерлик йўлини танлаган ромитанликлар ҳам истиқболнинг ойдин йўлига чиқиб олишди. Туманда пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам қувончли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига" йўллаган табригида пахта тайёрлаш йиллик режасини 20-25 иш кунида биринчилардан бўлиб уддалаб, бошқаларга ўрнак бўлганлар қаторида Ромитан тумани ҳам қайд этилгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу эътироф кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотди. Туман пахтакорлари режадаги 39 минг 400 тоннага қўшимча яна 5 минг тонна пахта хомашёси йиғиб-териб топширишди. Умумий хирмон 44 минг 400 тоннадан ортиб кетди. Энг қувончлиси, режада белгиланган пахта хомашёсининг юз фоизи биринчи навли пахтадир.

Албатта, бугунги пахта хомашёси эртанга бир-биридан бежирим газламалар бўлиб аҳоли эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишини ҳисобга олсак, пахтакорлар меҳнати нақадар қадрли эканига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Мустақиллик йилларида туманда енгил саноат корхоналари фаолияти ривожланди. Юзлаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш баробарида туман иқтисодиётини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшаётган корхоналар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шундай корхоналардан бири Қалайчорбоғ қишлоғидаги "Имидж-текстил" масъулияти чекланган жамиятидир. Бу корхонада ҳозирда 74 нафар киши меҳнат қилади. Энг муҳими, бу ерда фаолият кўрсатаётганларнинг аксарияти қишлоқ ёшларидир.

— Бундан ўн йил аввал ташкил этилган корхонамизда эни 80 сантиметрдан 160 сантиметргача, зичлиги 90 грамм квадрат метрдан 300 грамм квадрат метргача бўлган барча турдаги газламалар тайёрланади, — дейди МЧЖ раҳбари Бозорбой Норов. — Буюртмачилар талабларига асосан турли ранглар ва гуллар акс этган газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойида 1 миллиард 863 миллион 570 минг сўмлик 20 хилдаги газламалар тайёрланди.





Ҳар қандай ютуқларнинг пировард натижаси даромад билан ўлчанади. Корхонада фойда олиш миқёслари йилдан-йилга ортиб бораётир. Даромад ҳисобидан Қалайчорбоғ қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланган. Ишчиларга корхона ҳисобидан икки маҳал иссиқ овқат берилади. Ишлар уч сменада узлуксиз йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг тўққиз ойида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 10 та янги иш ўрни ташкил этилди. Касаначилар тўққиз ойда 54 миллион 737 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган бўлса, уларга 13 миллион 824 минг сўм ойлик маош берилди.

МЧЖ раиси Бозорбой Норов билан газламалар тайёрлаш ва уларга гул босиш жараёнлари билан яқиндан танишдик. Германия, Чехия, Россия, Италия, Голландия давлатларидан олиб келиб ўрнатилган ускуналар ёрдамида мураккаб технологик жараёнларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бежиримлиги ва сифатлилиги билан ажралиб турибди. Корхона омборида экспорт учун тайёрлаб қўйилган маҳсулотлар эътиборимизни тортди.



— Тўққиз ойда 169 минг 529 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот чет элга экспорт қилинди, — дейди Бозорбой Норов. — Газламаларимиз рақобатбардошлиги боисидан чет эллик шерикларимиз биз билан ҳамкорлик қилаётганидан мамнун.

Корхонадаги тикув цехидамиз. Цехда ўн бир нафар хотин-қиз ишчи кийимлари, тўшак-ёстиқ жилдлари тайёрлайди. Цех бошлиғи Лола Ҳазратованинг айтишича, бу ерда ишчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Корхонада хайр-саховат қилиш ҳам анъанага айланган. Ҳар байрамларда катта хайрия тадбирлари амалга оширилади. Мустақиллик байрамимизнинг 19 йиллиги арафасида Қалайчорбоғ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 29 нафар уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган қариялар, ногиронларга ҳомийлик ёрдами маблағлари ва совға-саломлар берилди. Уларга байрам дастурхони ёзилди.

Ромитаннинг чекка бир қишлоғида шундай катта корхона ташкил этиб, эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилаётган Бозорбой Норов каби тадбиркорлар ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак арзийди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

Ёнғин хавфсизлиги

Президентимизнинг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010-2011 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган.

Қиш мавсумида эҳтиёткорликни янада оширайлик

Шундан келиб чиқилган ҳолда уч-тўрт ойдан бери иситиш тармоқларини қишки мавсумга тайёрлаш, зарур топилган жойларда таъмирлаш ишларини олиб бориш, ускуна ва қурилмаларни алмаштириш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламдаги тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шу ва бошқа чора-тадбирлар туфайли ёнғинлар сони сезиларли даражада камаймоқда.

Шайхонтоҳур тумани Жарариқ кўчасидаги учта хонадонда содир бўлган ёнғин газ ва электр воситаларидан нотўғри фойдаланиш, бепарволик қандай оқибатларга олиб келишини яна бир бор кўрсатди. Уйларнинг том қисми, жиҳозлар ёниб, оилалар катта моддий зарар кўрди. Бу ҳолат ҳар бир кишини янада эҳтиётқор бўлишга, айниқса, қиш пайтида иситиш воситаларидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда фойдаланишга ундаши зарур. Зотан, хонадонларимиздаги моддий бойликлар оила аъзоларининг заҳматли меҳнати эвазига вужудга келтирилганлигини, улар кундалик турмушимиз учун ғоят керакли эканлигини бир зум ҳам унутмаслигимиз лозим.

Фарҳод ИСЛОМОВ,
Пойтахтдаги 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди 3-алоҳида пост кичик инспектори.

Хоразм вилояти

Ўзбекистон-Жанубий Корея "KOYIKA" халқаро жамияти Хивадаги вилоят "Меҳрибонлик уйи"га саховат ёрдами кўрсатди.

"МЕҲРИБОНЛИК УЙИ"ГА МЕҲРИБОНЛИК

Жамият аъзоларидан иборат делегация 140 нафар бола тарбияланаётган "Меҳрибонлик уйи"да бўлиб, болажонларнинг таълим олиш жараёнлари, яшаш шароитлари билан танишди ва ўқувчиларга меҳр-мурувват ифодаси сифатида 12 дона замонавий компьютер жамланмаси ҳамда бир синфга мўлжалланган электр жиҳозларини ҳадя қилди.

— Жамоамиз, аввало, муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан, қолаверса, чет эллик дўстларимиз саховатига яраша таълим-тарбия ишларини замон талаби даражасида ташкил қилишга интилмоқда, — дейди "Меҳрибонлик уйи" директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак. — Бу йил даргоҳимизда вояга етган 5 нафар ўқувчи турли олий ўқув юртларига, 7 нафари ҳарбий билим даргоҳларига ўқишга киргани мана шу саъй-ҳаракатларнинг маҳсулидир.

Шунингдек, кореялик меҳмонлар "Меҳрибонлик уйи"ни таъмирлаш, керакли ўқув қуроллари ва жиҳозлар билан таъминлаш ишлари учун ҳам моддий кўмак беришди.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

ЭНГ НАМУНАЛИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Қорақалпоқ давлат мусиқали драма театрида "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Танлов ҳайъатининг хулосаларига кўра Тўрткўл туманидаги "Намуна-1" қишлоқ врачлик пункти биринчи, Элликқалъа туманидаги "Сарабий" қишлоқ врачлик пункти иккинчи, Шуманай туманидаги М.Абдуллаев номидаги қишлоқ врачлик пункти учинчи ўринларни эгаллади.

Ғолиблар Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси томонидан компьютер жамланмалари билан тақдирланиб, танловнинг якуний босқичига йўлланма олдилар.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ



(Боши 1-саҳифада)

Спортчиларни тақдирлаш маросимида футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев ва футболчи Ҳайдарали Турсунбоевга "Дўстлик" ордени, Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзолари — Муҳаммадазиз Арапов, Умарали Рустамов, Қудрат Тўрахўжаевга "Жасорат" медали топширилди.

— Мамлакатимиз спортчиларининг жаҳон майдонларида юқори натижаларга эришаётгани Президентимиз Ислом Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир, — дейди Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев. — Юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш ва фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Ана шундай юксак эътибор туфайли қитъа ва жаҳон биринчиликларида муносиб иштирок этаётган спортчиларимизнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшлар камолотига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоси Қудрат Тўрахўжаев. — Юртимизда жисмоний имкониятлари чекланганлар ва ногиронларнинг ҳам ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратилган, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жаҳон чемпионатида майдонга тушганимизда ана шу эътибор ва ғамхўрликни дилдан ҳис қилиб турдик. Бу кучимизга куч қўшди, ғалабага бўлган ишончимизни янада оширди.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам Ватанимиз байроғини янада юқори кўтаришга интилишини алоҳида таъкидладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

СПОРТ

ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

AFC U-16 CHAMPIONSHIP

Тошкентда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати якунланди. Мазкур мусобақада Осиёнинг 16 та энг кучли терма жамоаси баҳс олиб бориб, унда кучли тўртликка киришга эришган (Австралия, Япония, Ўзбекистон, КХДР) жамоалар 2011 йил Мексикада бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Финал учрашувида Ўзбекистон ва КХДР футболчилари ўзаро рақобатлашди. "Пахтакор" марказий стадионида ўтказилган ўйинда КХДР терма жамоаси 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, Осиё чемпиони бўлди. Учрашувни вакилларимиз 9 киши бўлиб якунлашганини таъкидлаш жоиз. 31-дақиқада таянч ҳимоячимиз Сардор Раҳмонов, 85-дақиқада эса жамоа сардори Аббос Махситалиев учрашув бош ҳаками эронлик Ализизо Фағоний томонидан майдондан четлатилди ва Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кумуш медаль билан кифояланишга мажбур бўлдик.



Олтин медаллар насиб қилмаган бўлса-да, турнирда кишини қувонтирадиган ҳодисалар кўп бўлди. Уларнинг энг асосийси футболчиларимизнинг ҳужумкор, мухлисларга манзур бўлган ўйинни намойиш этганлари. Айнан уларнинг мазмунли ўйинлари стадионларимизнинг тўлиб тошишига (бунга ҳар доим ҳам гувоҳ бўлавермайсиз) сабаб бўлди. Осиё чемпионати доирасида ўтказилган учрашувларни бевосита томоша қилиш учун пойтахтимиздаги "Пахтакор" ва "Жар" стадионларига умумий ҳисобда икки юз минг нафардан зиёд мухлис келди. Бу кўрсаткич ОФК томонидан янги рекорд сифатида қайд этилди.

Финал ўйини якунланганидан сўнг мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига совғалар топширилди. Унга кўра, "Мусобақанинг энг яхши тўпурари" совриси австралиялик Жесси Макаронес, "Мусобақанинг энг яхши футболчиси" совриси эса ҳамюртимиз Темур Ҳакимовга насиб этди.

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилаётган XVI Осиё ўйинларида иштирок этаётган футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси турнирни муваффақиятли бошлади.

Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари "Е" гуруҳининг биринчи турида Бангладеш термасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Терма жамоамизнинг дастлабки иккита голи биринчи бўлимда киритилди. Голларга Кенжа Тўраев ва Одил Аҳмедовлар муаллифлик қилишди. Ўйин тугашига 10 дақиқа қолганида киритилган жамоамизнинг учинчи голи бангладешлик футболчи – Ислом ҳисобига автогол сифатида ёзилди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси кейинги баҳсини 9 ноябрь (бугун) куни Гонконг термасига қарши ўтказади. Учрашув Тошкент вақти билан соат 16:00 да бошланади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Барча турдаги лойиҳа-қидирув ташкилотлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти қуйидаги объектга лойиҳа-қидирув ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Хоразм вилоятидаги "Озёрный" магистрал коллекторини реконструкция қилиш. (III босқич).

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **175 500 000 сўм;** лойиҳа қуввати – **20,0 километр,** ишларнинг тугалланиш муддати – **50 кун.**

Лойиҳа ишларини молиялаштириш мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

***Танлов савдолари ташкилотчиси* – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг маркази.**

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга эга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий лойиҳа-қидирув ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент шаҳри Абай кўчаси 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 (бир юз минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 20 кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ҳокимининг 18.09.2000 й.даги 04-019980-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган "KAITO" шўъба хўжалик жамиятининг гувоҳномаси ва 22.09.2000 й. 04-00429-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"LAURA TRADE PLUS" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор "Абдалимова Наима Сиддиқовна" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 29.12.2008 й.да № 4904-сонли "ARK TAXI SERVIS" МЧЖга берилган нотариал идора маълумотномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧП "SOFIYA-SAVDO-SERVIS" (ИНН 300000094), расположенное по адресу: г.Ташкент Юнусабадский р-н 19 кв-л д.18 кв-ра 28, реорганизуется в ООО "SOFIYA-SAVDO-SERVIS". ООО "SOFIYA-SAVDO-SERVIS" является правопреемником всех прав и обязательств ЧП "SOFIYA-SAVDO-SERVIS".

ООО "SPEKTRUM-SERVIS" (ИНН 203145183) Чиланзарского р-на г.Ташкента сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в НОУ "SPEKTRUM-SERVIS" с переходом всех прав и обязательств с ООО "SPEKTRUM-SERVIS" к НОУ "SPEKTRUM-SERVIS". Тел.: 276-32-36.

ООО "VIRGO PLUS" (ИНН 301408921) Чиланзарского р-на г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 9 800 000 сум до 2 800 000 сум. Тел.: 366-75-71.

Утерянные документы: план, гос. ордер права собственности и договор купли-продажи на квартиру по адресу: г.Ташкент М.Улугбекский р-н м-в ТТЗ-1 д.22 кв-ра 41 на имя Донаевой Нодиры Джумабаевны, считать недействительными.

Утерянный план на дом, расположенный по адресу: г.Ташкент Шайхонтахурский р-н туп.Кори Ёхубова-42А, выданный БТИ Шайхонтахурского р-на на имя Маҳкамовой Малахат, считать недействительным.

Утерянная круглая печать негосударственной некоммерческой организации "FAOL", зарегистрированный в управлением юстиции г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянная круглая печать и угловой штамп Ассоциации деловых женщин Узбекистана "TADBIRKOR AYOL", зарегистрированный в Мин.Юстиции РУз за № 239-(П), считать недействительным.

Утерянные документы: разрешительное свидетельство на право розничной торговли ЖШ № 031549 (номер реестра 465 от 11.10.2010 г.); круглая печать индивидуального предпринимателя Джураева Нажмиддина Мухаммадовича, зарегистрированный в Чиланзарском р-не г.Ташкента, считать недействительными.

Товар сертифицирован

ENCOM

КОТЛЫ

ОТОПИТЕЛЬНЫЕ

тел./факс (+998 71) 290-92-51,
тел.(+998 97) 409-75-82,
e-mail: encom-head@yandex.ru;
encom@buzton.com

ЭСКИ ШИНАЛАРНИ СОТИБ ОЛАМИЗ

"Магнум", "Кейс" ва бошқа турдаги тракторларнинг диагонал эски шиналарини сотиб оламиз.

Тўлов исталган кўринишда.

Мурожаат учун тел./факс: 228-15-02. тел.: 248-54-80, 185-32-53



Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ПОДШООТА-ЧОДАК ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ҚАЙТАДАН ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилоятидаги Жийдаликсой сув омборидаги сув чиқариш тунелидаги сизиб чиқаётган сувни инъекция йўли билан тўхтатиш.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **219 902 999 сўм. ҚҚССиз – 183 252 499 сўм.**

Объектни якунлаш муддати – **3,5 ой.**

Буюртмачи: **Косонсой шаҳри Маҳдуми Аъзам кўчаси 12-уйда жойлашган Подшоота-Чодак ирригация тизими бошқармаси. Тел.: (8-369) 652-31-44.**

Лойиҳани молиялаштириш давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга эга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов таклифлар берилганда хориж товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдорини берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга Наманган шаҳри Навоий кўчаси 22-уй. Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин:

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри Навоий кўчаси 22-уй.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Марказий технологик ва диспетчерлик хизмати мониторинг бўлими бошлиғи **Шоҳида ҒУЛОМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси жамоаси "Хўжаобод" нав синаш участкаси бошлиғи Анваржон Аҳмаджоновга волидаи муҳтарамаси **ДИЛОРОМХОН АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Агрономия" факультети декан муовини, доцент Алишер Шокировга онаси **Муҳаббат КУДИЁРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона – 236-58-83, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-28-04, Факс – 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – 352-54-58, 743-03-45; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 593-27-57; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган ва Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Сурхондарё – 730-15-02; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 520-69-14; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

1-тиҳорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Навбатчи муҳаррир: А.ҚУЛМУРОДОВ

Мусаҳҳиҳ: С.ҚОДИРОВ

Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1017, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.15
10043 нусхада босилди. Нашр индекси – 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4